



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2024
2/1-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 2/1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:
и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

**Бош муҳаррир
ўринбосари:**
и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:
и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:
и.ф.д. Ф.А.Сафаров
катта ўқит. Ш.З.Ўразов

Техник муҳаррир:
и.ф.н., доц. А.Н.Холиқулов

Корректор:
PhD С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:
ассис. Х.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

Ўзбекистон ҳудудида
тарқатилади.

Тахририят манзили:
140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(66)233-17-88

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Ўразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори в.б., DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти в.б., DSc

МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ	
Muhabbatxon Zayniddin qizi Berdaliyeva Zamonaviy sharoitda uy-joy qurilishini moliyalashtirish asoslari	151
To‘yli Gulmurodovich Ravshanov Misr mamlakatida turizm sohasini moliyalashtirish tizimining o‘ziga xos xususiyatlari	156
Наргиза Музафаровна Бабаева Суғурта компанияларининг инвестицион фаолиятини ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари	162
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Мехрангиз Олимовна Мамаюнусова Оилавий корхоналар фаолиятига таъсир қилувчи омилар таҳлилини такомиллаштириш	167
Дилмурод Холмўминович Жўраев Акциядорлик жамиятларида ҳисоб сиёсатини тузишнинг ўзига хос хусусиятлари	174
Otabek Olimjonovich Sobirov Boshqaruv hisobining mohiyati va uni tashkil etishda budjetlashtirishning ahamiyati	178
To‘lqin Ismatulla o‘g‘li Yahyoyev Qurilish korxonalarida ko‘rsatilgan xizmatlardan olingan daromadlar tahlili.	182
Юлдуз Шарафитдиновна Рахманова Инвестициявий кўчмас мулкларнинг тасарруф этилиши натижалари ҳисобини такомиллаштириш	185
ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА	
Nasiba Raxmatullayevna Ergasheva Qashqadaryo viloyati maktabgacha ta’lim tashkilotlarida outsorsing xizmatlaridan foydalanish mexanizmini takomillashtirish	190
ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР	
Саидахроп Гулямов, Мамаюнус Пардаев Ҳикмат ахтарганга ҳикматдир дунё	196
ИБРАТЛИ БИТИКЛАР	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев Қуръон рақамларда	198

<p>Т.Равшанов</p> <p>Особенности системы финансирования туризма в Египте</p> <p>Аннотация: в данной статье изучены перспективы устойчивого развития туризма в Египте, льготные кредиты, выделяемые туристическому сектору, и взывание туристических сборов. Также изучены действия по реализации в стране стратегии «Устойчивый туризм-2030».</p> <p>Ключевые слова: устойчивый туризм, льготные кредиты, инвестиции, туристический налог, маркетинг, сбережения, федерации туризма.</p>	<p>T.Ravshanov</p> <p>Features of the tourism financing system in Egypt</p> <p>Abstract: this article examines the prospects for sustainable tourism development in Egypt, preferential loans allocated to the tourism sector and the collection of tourism taxes. Actions to implement the “Sustainable Tourism 2030” strategy in the country were also studied.</p> <p>Keywords: sustainable tourism, preferential loans, investments, tourist tax, marketing, savings, tourism federations.</p>
--	--

Наргиза Музафаровна Бабаева – ҚўқонДПИ доценти, иқтисодиёт фанлари доктори

СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ

<p>Аннотация: мазкур мақолада республикамизда суғурта компанияларини, мустақил молиявий институтлар сифатидаги инвестицион фаолиятини ривожлантиришнинг асосий муаммолари ва истиқболлари таҳлил қилинган. Суғурта компанияларининг замонавий иқтисодиёт шароитидаги роли, давлат ривожланишидаги ўрни ёритилган. Инвестиция фаолиятини амалда тартибга солишнинг камчиликлари кўрсатилган ва уларни баратараф этиш юзасидан таклифлар берилган.</p> <p>Калит сўзлар: молия, молиявий пул оқимлари, инвестиция, инвестиция сиёсати, суғурта резерви, инвестиция портфели, устав фонди.</p>
--

Кириш. Ўзбекистонда иқтисодий тараққиётни таъминлашда суғурта компанияларнинг аҳамиятини янада ошириш борасида муҳим устувор вазифалар ишлаб чиқилган. Хусусан, «мамлакатда макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш мақсадида суғурта ва бошқа молиявий хизматларнинг янги шакллари жорий қилиш, суғурта хизматларининг ҳажмини уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобига кенгайтириш устувор вазифа сифатида белгиланган»¹.

Маълумки, суғурта компанияларининг фаолияти бошқа молия институтларининг фаолиятдан тубдан фарқ қилади. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, суғурта шартномалари одатда бир йил муддатга, ҳаётни суғурталаш соҳасида эса бир йилдан кўп бўлган муддатга тузилади. Суғурта шартномаси тузилган сана ва унинг тугаш муддатигача бўлган даврда суғурталанувчилар томонидан тўланган суғурта мукофотлари захирада сақланади. Йиллар давомида суғурта захираларида йирик миқдорда пул маблағларининг тўпланиши ва уларнинг вақтинча бўш туриши суғурта компанияларининг йирик институционал инвестор сифатидаги ролини кескин оширади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Суғурта компаниялари фаолиятининг назарий-методологик асослари ва инвестицион фаолиятини такомиллаштиришнинг баъзи масалалари мамлакатимиз ва қатор хорижий тадқиқотчиларнинг илмий ишларида кўриб чиқилган. Жумладан, етакчи хорижий ва МДХ мамлакатлари олимларидан К.Пфайффер, Д.Бланд, Г.Чернова, Ю.Ахвледиани, А.Федорова, И.Балабанов, А.Балабанов,

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон, 01.05.2021 й., 06/21/6217/0409-сон

Е.Разумовская, В.Фоменко, Н.Никулина, С.Березина, И. Цанев¹ларнинг илмий изланишларида суғурта компанияларининг инвестицион фаолияти самарадорлигини ошириш йўналишлари қисман тадқиқ этилган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар Р.Азимов, Т.Каримов, Ш.Имомов, Х.Шеннаев, НМ.Аскарлова, Х.Боев, И.Кенжаев, суғурта компаниялари фаолиятини самарали ташкил этиш ва молиявий барқарорлигини таъминлашга доир илмий тадқиқот ишларини олиб борган².

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида жамлаш, гуруҳлаш, индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез ҳамда иқтисодий таҳлилнинг анъанавий усуллари қўлланилди.

Таҳлил ва натижалар. Миллий суғурта тизимида ўрнатилган амалиётни тизимлаштириш суғурта компаниясида инвестиция сиёсатини шакллантиришни такомиллаштиришнинг асосий муаммолари ва йўналишларини аниқлаштириш имконини беради (1-расм).



1-расм. Суғурта компанияларининг инвестиция сиёсатини шакллантиришнинг асосий муаммолари³

Ушбу муаммолар меъёрий-ҳуқуқий базани ва суғурта компаниясининг амалий фаолиятини таҳлил қилиш асосида шакллантирилиб, инвестиция сиёсатини шакллантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш имконини беради, яъни:

¹Кристоф Пфайффер. Введение в перестрахование. Учебник. Кельнское перестраховочное общество, представительство в Москве, – М.: «Анkil», 2000. – 155 с., Дэвид Бланд. Страхование: принципы и практика. Учебник. –М.: «Финансы и статистика», 1998.– 192 с., Чернова Г.В. Страхование: экономика, организация, управление. Учебник. – М.: Экономика, 2010. – 751 с., 2000.–172 с., Ахвледзиани Ю.Т. Страхование. Учебник. –М.:ЮНИТИ, 2010. –415 с., Федорова Т.А. Страхование. Учебник. – М.: «Магистр», 2009. – 1006 с., Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Страхование. Учебник. – СПб.: «Питер», 2002. –256 с., Разумовская Е.А., Фоменко В.В. Страховое дело. Учебное пособие. – Е.: Гум.универс.. – 2016. – 256 с., Никулина Н.Н., Березина С.В. Страхование. Учебник. –М.: «ЮНИТИ», 2008. – 511 с., Цанев И. Современные подходы в деятельности страховых компаний. Международный опыт и российская практика. – М., 2005.

² Азимов Р.С. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида рискларни суғурталаш методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т.: ТМИ, 2022. Шеннаев Х.М. Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини ривожлантириш йўналишлари. И.ф.д. (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т.: ТМИ, 2021.; Аскарлова М.Т. Развитие системы страхования в обеспечении экономического роста в условиях рыночных преобразований в Республики Узбекистан. Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н., -Т.: Институт экономики АН РУз-2003. -15 ст.; Боев И.Х. Суғурта иши. Ўқув қўлланма.-Тошкент, 2007;

³ Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

- Суғурта компанияларининг инвестиция сиёсатини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш, янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни жорий этиш;
- Суғурта захираларини ва суғурта компанияларининг вақтинча бўш турган ўз маблағларини шакллантириш ва жойлаштиришга ёндашувларнинг ҳар хиллиги;
- Инвестиция сиёсатини шакллантиришга тизимли ёндашувни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- Инвестиция сиёсати ҳолатини баҳолашнинг умумий методологиясини ишлаб чиқиш ва инвестиция салоҳиятини ишончли бошқаришнинг самарали вариантларига ўтишни асослаш.

Замонавий шароитда молиявий ресурсларни инвестициялашни давлат томонидан тартибга солиш қўшимча жойлаштириш тамойилини – суғурта компаниялари – инвесторлар томонидан инвестицияларнинг назорат қилинишини жорий этиш ва унга риоя қилишни талаб қилиб қўймоқда. Бу суғурта компанияларига корхоналарнинг кузатув кенгашларида иштирок этишни, қабул қилинаётган бошқарув қарорлари, корхоналарнинг жорий молиявий аҳволи тўғрисида мунтазам равишда ахборот олиш орқали ажратилган маблағлар устидан назоратни амалга ошириш учун реал имкониятларни яратишни назарда тутлади.

Потенциал инвестиция объектлари тўғрисидаги очиқ маълумотларнинг йўқлиги инвестиция самарадорлигининг нотўғри прогнозларига олиб келади – бир қатор кредит ташкилотларининг молиявий аҳволининг ёмонлашуви тўғрисида ўз вақтида нашр этилиши суғурта компаниясининг молиявий менежерларига суғурта компаниясининг молиявий бошқарувчиларига инвестицияларни амалга оширишда ишончли андеррайтинг сиёсати орқали юзага келиши мумкин бўлган зарарларни камайтириш чораларини кўриш имконини беради.

Ўз инвестицияларини назорат қилиш тамойили айниқса ривожланаётган иқтисодиётда ва барқарор «шаффоф» фонд бозорининг йўқлигида долзарб ҳисобланади.

Суғурта ва қайта суғурта компанияларининг инвестицион салоҳияти капиталнинг халқаро ҳаракати, банк, молия ва акциядорлик институтлари активларининг бирлашиши, минтақавий трансмиллий ишлаб чиқариш ва банк корпорациялари рискларни бошқаришда суғурта ролининг ўзгаришининг муҳим омилига айланмоқда.


Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятнинг ажралмас бир қисмига айланиб бориши муносабати билан ва бунинг натижасида хорижий компанияларнинг миллий суғурта бозорига кириб келиш эҳтимоли шароитида суғурта компаниялари ўз капиталларини оширишлари керак бўлади. Шу сабабли, миллий суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш шартларидан бири устав капитали ҳажмини ошириш, уни амалда шакллантириш бўйича назоратни кучайтиришни талаб қилиб қўймоқда. Миллий суғурта бозорининг капиталлашувини ошириш воситаларидан бири суғурта компанияларининг устав капиталига йўналтирилган фойдасининг бир қисмини солиққа тортишдан озод қилиш уларга рағбат вазифасини ўтайди.

Инвестиция фаолиятини амалда тартибга солишнинг камчиликлари суғурта компанияларини вақтинча бўш пул маблағларини жойлаштириш бўйича давлат томонидан белги-ланган қоидаларини бажаришнинг икки йўлидан фойдаланишга тақозо қилмоқда: уларга фақат маълум бир ҳисобот санасига расмий равишда риоя қилиш, бу эса уларнинг ишида қўшимча қийинчиликларни келтириб чиқаради; ёки инвестиция солоҳиятини ошириш имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаётганлиги сабабли суғурталанувчиларнинг манфаатлари бузиладиган амалдаги ҳолат юз бермоқда, яъни бу суғурта компаниялари томонидан суғурта тарифларини пасайтирмасликка ва суғурта ҳимояси билан қамровлилик даражасини ошириш имконини бермаяпти.

Суғурта компанияларининг вақтинча бўш бўлган пул маблағларини турли инвестиция объектларига, шу жумладан, қимматли қоғозлар бозорига жойлаштиришлари учун мамлакатимизда иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилган. Аввало, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида суғурталовчиларга

махсус ваколатли давлат органи белгилайдиган тартибда ва шартларда инвестиция фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи берилган¹. Бугунги кунда суғурта компаниялари вақтинча бўш бўлган пул маблағларини Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозларига, банк депозитларига, қимматли қоғозларга, юридик шахсларнинг устав капиталига таъсисчи сифатида кириш ва кўчмас мулк объектларига жойлаштиришлари мумкин. Шунингдек, суғурта компаниялари суғурта захираларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги билан келишилган ҳолда хорижий давлатларнинг давлат қимматли қоғозларига йўналтиришлари назарда тутилган.²

Суғурта компанияларининг инвестиция портфелини таҳлил қилиш орқали уларнинг қимматли қоғозлар, бинобарин, капитал бозоридаги иштироки даражасини аниқлаш мумкин. 2022 йилда қилинган инвестицияларнинг сезиларли қисми банк депозитларига тўғри келди. Суғурта компаниялари инвестицияларининг ўсиш динамикасидан, банк депозитларига қўйилган инвестициялари ҳажми 31,2 фоизга ортиб 2896,6 млрд. сўмни ташкил этганини кўриш мумкин. Қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ҳажми 1287,9 млрд. сўмга етди ва бу 2021 йил кўрсаткичига нисбатан 17,5 фоизга ортиқ.



2-расм. Суғурта компаниялари инвестиция портфелининг таркибий ўзгариш динамикаси, фоизда

Бундан ташқари кўчмас мулк объектларига, корхоналар устав фондидаги иштироклар, заёмлар ва бошқаларга қилинган инвестициялар ҳажми 2021 йил кўрсаткичларига нисбатан ошган. Корхоналарнинг устав капиталда иштирок этишга йўналтирилган инвестициялари 16,9 фоизга пасайиб 118,2 млрд.сўмни ташкил қилди. Заёмлар эса 28,1 фоизга ортиб, 60,7 млрд. сўмни ташкил этди. Кўчмас мулкка киритилган инвестициялар миқдори 358,9 млрд. сўмни ташкил этди бу ўтган йил кўрсаткичига нисбатан 45,1 фоизга ортиқ. Суғурта компанияларининг бошқа инвестициялари 29,2 млрд.сўмни ташкил қилган ҳолда ўтган йилга нисбатан 471,1 фоизга ошган.

Суғурталовчилар инвестиция портфелини таҳлил этиш натижаларига асосланиб шундай хулоса қилиш мумкинки, бир томондан банк депозитларига пул маблағларини жойлаштириш миллий суғурта компаниялари учун ҳамон ишончли ва самарали инвестиция объекти сифатида қаралмоқда, иккинчи томондан, суғурта компанияларининг

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни//www.Lex.uz

² Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2008 йил 20 ноябрдаги 107-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 15 декабрда 1882-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган «Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисидаги Низом»//www.Lex.uz.

ҳисоб рақамига келиб тушаётган суғурта мукофотлари ҳажмини оширишида тижорат банкларининг роли катта. Буни соҳада фаолият олиб бораётган мутахассислар яхши тушунишади.

Бизнинг фикримизча, суғурта компанияларининг эмитент сифатида қимматли қоғозлар бозоридаги фаолияти талаб даражасида эмас. Муаммо шундаки, юқорида қайд этилганидек, суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензия олган суғурта компанияларининг бор-йўғи 5 таси, яъни 16,7 фоизи акциядорлик жамияти шаклида фаолият кўрсатади. Бундан фарқли ўлароқ, тижорат банкларининг барчаси акциядорлик жамияти шаклида фаолият юритади. Сабаби, 2019 йил 5 ноябрда янги таҳрирда қабул қилинган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддасида «Банклар акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилади», деб кўрсатилган.

Хулоса ва таклифлар. Суғурта компанияларининг мақсад ва вазифалари юридик ва жисмоний шахсларнинг тўлаган суғурта мукофотларидан шакллантирилган пул жамғармалари ҳисобидан суғурта шартномасида кўрсатилган суғурта ҳодисалари содир бўлганда уларга етказилган зарарни қоплашдан иборат эканлигини унутмаслик керак. Бу ҳолат, хоҳлаймизми, йўқми суғурта компанияларининг ўз зиммасига олган мажбуриятларини тўлиқ бажарилишини, бинобарин, молиявий барқарор фаолият юритишини тақозо қилади. Суғурта компанияларининг акциядорлик жамияти шаклида фаолият юритиши, уларга фонд бозори орқали қўшимча маблағларни жалб этиш имкониятини бериш билан бир қаторда мамлакат капитал бозорида фаол институционал инвестор сифатида иштирок этишини таъминлайди. Шунинг эътиборига олган ҳолда «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунга банклар сингари суғурта компанияларининг фақат акциядорлик жамияти шаклида тузилишини назарда тутувчи ҳуқуқий норма киритилишини таклиф этамиз.

Суғурта компанияларининг мамлакатимиз капитал бозорида самарали фаолият кўрсатишлари учун уларнинг дивиденд сифатида оладиган даромадларига солиқ тўловчи-акциядорлик жамияти томонидан тўланадиган дивиденд солиғини бекор қилиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, суғурта компанияларининг инвестицион фаолиятини ривожлантириш йўллари тадқиқ этиш натижалари ушбу йўналишда қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатди ва назаримизда, ушбу муаммоларни ҳал этиш юзасидан юқорида келтирилган таклифлар суғурталовчиларнинг капитал бозорида ҳам инвестор, ҳам эмитент сифатидаги фаолиятини кучайтиришда муҳим омил бўлади.

<p style="text-align: center;">Н.Бабаева</p> <p style="text-align: center;">Стратегические направления развития инвестиционной деятельности страховых компаний</p>	<p style="text-align: center;">N.Babayeva</p> <p style="text-align: center;">Strategic directions for the development of investment activities of insurance companies</p>
<p>Аннотация: в данной статье анализируются основные проблемы и перспективы развития инвестиционной деятельности страховых компаний, как независимых финансовых институтов в нашей Республике. Освещена роль страховых компаний в современных экономических условиях, их роль в развитии государства. Указаны недостатки фактического регулирования инвестиционной деятельности и внесены предложения по их устранению.</p> <p>Ключевые слова: финансы, финансовые денежные потоки, инвестиции, инвестиционная политика, страховой резерв, инвестиционный портфель, уставный фонд.</p>	<p>Abstract: this article analyzes the main problems and prospects for the development of investment activities of insurance companies as independent financial institutions in our republic. The role of insurance companies in modern economic conditions and their role in the development of the state are covered. The shortcomings of the actual regulation of investment activities are indicated and proposals are made to eliminate them.</p> <p>Keywords: finance, financial cash flows, investments, investment policy, insurance reserve, investment portfolio, authorized capital.</p>

ISSN 2091-5187

❧ “СЕРВИС” ❧

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

22.05.2024 йилда теришга берилди. 7.06.2024 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84 $\frac{1}{8}$. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табоғи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0076А/24.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.